

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Технология факультети

Ижтимоий фанлар кафедраси

«Иқтисодиёт назарияси» фанидан

Мавзу: Глобаллашув шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиши.
Мафкуравий бўшлиқ.

Р е ф е р а т

Бажарди:

18-МТ-12 гуруҳ талабаси
А.Каримов

Қабул қилди:

доц. А.Соҳадалиев

Наманган-2014 йил.

Мавзу: Глобаллашув шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиши. Мафкуравий бўшлиқ.

Режа:

1. Глобаллашув тушунчаси
2. Жамият ҳаётининг ҳозирги глобаллашув жараёнида дунёнинг мафкуравий манзараси.
3. Мафкуравий бўшлиқ. Инсон қалби ва онги учун кураши.

XX асрнинг 80-90 йиллари ва XXI-аср бўсағасига келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди. Нисбий мувозанат бузилди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган социалистик лагер тарқалиб кетди.

Унинг энг катта ва тоталитар тузум бўлган асосий давлати-собик иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Бу давлатлар ўз миллий давлатчилиқ анъаналарини тиклади.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний кадриятлар ва демократик томоийилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устивордир.

Бу тамойилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қилади.

Шу билан бирга минг афсуски, ҳозирги вақтда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажавузкор миллатчилиқ, шовинизм, неофашизм, ирқчилиқ, диний экстремизм каби сиёсий, кучлар ва оқимлар ҳам бор. Бундай ғайриинсоний, бугунги ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар онгига турли балолар ёғдирмоқда. Афғонистонда 25 йилдан ортиқ давом этаётган биродар кушлиқ уруши, Болқон минтақасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга халигача эришилмагани ана шундай бугунги ғояларнинг таъсири оқибатидир.

XX аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб бордики, бу жараёндан ўзини тўла ажратиб олган бирорта давлат йўқ деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Ҳаттоки халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас.

Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шундайли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказётган салбий таъсирини

камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ходисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим.

Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисодиёти ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайиқни топшириб қўйиш билан баровар бўлар эди.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаетган тадқиқотлар таҳлили бу соҳадаги ишлар эндигина бошланаётганидан гувоҳлик беради.

Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказади. Ҳар қандай сиёсат, жумладан, иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина мувоффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалалар олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва мувоффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни таҳлил қилиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, француз тадқиқотчиси Б. Бандининг таърифи ҳаётлидир.

а) Глобаллашув-муттасил давом этадиган тарихий жараён.

б) Глобаллашув-жаҳоннинг гомогенлашуви (юн.хонкоденс таркиби, келиб чиқиши жиҳатидан бир хиллик, бир жинслик) ва универсаллашуви жараёни;

в) Глобаллашув-миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёни.

Глобаллашувнинг уччала ўлчовига ҳам эътироз билдириш мумкин. Бироқ жаҳондаги жараёнларни кузатсак буларнинг уччаласини ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган. “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман.”

Шу боис миллий истиқлол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айна пайтда, “довуллар”дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим.

Ҳозирги замон глобаллашув жараёни ўта мураккаб ҳодиса. Унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаетган таъсири

яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бир-бирига нисбатан рақобатда бўлган икки гуруҳ; глобаллар ва аксилглобаллар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди.

Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олган бўлиб, улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари бор. МДХ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқдалар, улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тўпланиб турадилар.

XX аср ўртасида глобаллашувнинг ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва шиддатли тус олди. Бу ташкиллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки ташкилотларининг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг тезлашиши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти ҳам кучайди. Улар глобаллашувнинг салбий оқибатларига эмас, умуман унинг ўзига ҳам қарши чиқа бошладилар.

Масалан, Россиялик файласуф ва ёзувчи А. Зиновьев “Аксилглобализм векторлари” номли анжуманда сўзлаган нутқида шундай дейди. “Глобаллашув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилиқ кўрсатишидан бошқа йўлини кўрмайман. Фақат қаршилиқ! – деган эди.”

“Аксилглобализм векторлари” анжуманидаги яна бир маърузачи А. Паршев эса глобаллашувга қуйидагича таъриф беради. “Аслида, глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кўшимча қийматини, дунёдаги асосий заҳираларини ўзлаштиришдан иборат.”

“Глобаллашув”ни фақат салбий ҳодиса сифатида баҳолаш ва унга қарши туриш ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий боғлиқликларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Глобаллашув жараёни “мафкуралашидан”, унинг мақсадларидан холи бўлиши керак.

Шу нарса маълумки, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам асосий эътиборни иқтисодиёт соҳасига қаратишади.

Глобаллашувнинг маънавиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа, маданий антропология фанларида ўзининг аксини етарли даражада топиши керак.

Маънавиятни бир уйга тўпланган бойликка ўхшатсак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёш ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимия чораларини кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан ажратилган бўлсин.

Ҳатто Австралия чакалакзорлари, Африка соваиналари ва Жанубий Америка чакалакзорларида турмуш кечириётган қабилалар ҳам қўшни қабилалар ва замонавий томондан таъсирини ўзида ҳис қилиб туради. Қолаверса, тарихни таҳлил қилиш бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлган халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлган халқлар маънавияти юксакликларга кўтарилганидан гувоҳлик беради.

Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Энг муҳими, халқимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб, уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндошиб янги чўққиларга кўтарилди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Фақат Ватанимизгина эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Масалан, шундай аждодларимиздан бири Абу Райхон Беруний Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафаси, табиий фанларни чуқур ўзлаштирган эди. Ҳиндистонда бўлган пайтида у ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан. Қадимги манбааларни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили – санскритни билиш лозимлигини англайди. У санскритни қисқа муддатда чуқур ўзлаштириб, қадимги ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди. У, шунингдек, Юнон ва рим маданияти ва фанини ўрганиш учун Юнон, Лотин ҳамда қадимги яҳудий тилларини ўзлаштирган эди.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Фаробий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Энг муҳим томони, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил қилишда тегишли жойларини ривожлантириб, оламшумул кашфиётларни очдилар.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, керакли жойларни ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эришиш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказаётган ва таъсир ўтказмоқчи бўлган ғояларнинг қай бирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил лозим.

Шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоқлигимиз, баъзан уқувсизлигимиз халақит бермоқда. Бунинг оқибатида эса қабул қилиш лозим бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан кириб келади. Шундай ғоялар борки улар “Ўғри” каби туйнук қидиради. Очик чехралик ғоялар миллий маънавиятни бойитишга ривожлантиришга хизмат қилади. Бу

умуминсоний эзгу-ғоялардир. Чунки миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади.

Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқин кўшни халқларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри хали шаклланмаган эди. Демак, миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас эди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг сай-ҳаракатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва кейинроқ театр санъати вужудга келди. Ўша пайтларда театр санъатини ўзбек миллати учун ёт бегона ғоя деб билувчилар кўп эди. Драматургия ва театрни рад этиш фақат шунчаки танқид билан чегараланмаган. Санъатнинг бу турини Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилаётган инсонларни мазах қилиш, масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари, деювчилар томонидан амалга оширилган эди. Вақт эса, театр санъати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт, деювчиларнинг ўзлари миллий маънавиятимиз ривожига ғов бўлганини кўрсатди. Миллий кийимлар ҳам миллий қадриятлардан бири ҳисобланади.

XX аср давомида шу қадриятимиз кўриниши кузатсак, ғаройиб ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Ўтган аср бошларида маҳаллий эркаларнинг қишки кийими телпак ёки этикдан иборат эди. Ёзги кийим эса, дўппи, кўйлак ёки яктак, оқ иштон ва шиппак ёки ковуш эди.

Спорт соҳасидаги атамаларни глобаллашувга тадбиқ қиладиган бўлсак, вайронкор ғоялардан ҳимояланишнинг энг самарали йўли уларга қарши хужумга ўтишдир. Биз ёт ғоялардан ҳимояланиш билангина чекланмай, ўз ғояларимиз, анъаналаримиз, турмуш тарзимизни дунёга ёйиш учун ҳаракат қилишимиз ҳам керак.

Шўролар даврида миллий қадриятларимизни дунёга ёйиш у ёқда турсин, ўз юртимизда қадрлаш учун ҳам йўл берилмади, кўпчилик қадриятларимиз эса топталди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўша топталган қадриятларимизни тиклаш, миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш имконига эга бўлдик. Ўзбек миллий курашини дунёга ёйиш бўйича қилинган ишлар, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ўзбек кураши федерацияларининг тузилиши бунинг яққол мисоли.

Дунё бутун Ўзбекистонни миллий-маданий мероси, бой тарихи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарининг умуминсоний ғоялар билан

мужассамлиги, санъат ва архитектура, фан ва маънавий соҳасида эришаётган ютуқлари орқали ҳам кашф этмоқда. Демак, глобаллашув жараёнида пассив қабул қилувчи томонгина бўлиб қолмай, фаол тарғиб қилувчиларга ҳам айланишимиз мумкин.

2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий кашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам бормоқда.

Кишилиқ жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам айна пайтда ғайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қилишга ҳам кўп гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл шамоил, хусусият касб этди. Бугунги кунда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охир-оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирмоқда.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва таҳдид солмоқда. Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида бу масала алоҳида ёритилган.

Буюқ давлатчилик шовинизми тараққиётга нисбатан хавф хатарлардан биридир.

“... Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ хукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади”, (И.А.Каримов, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ..., Т., Ўзбекистон, 1997 й. 52-бет).

Буюқ давлатчилик шовинизми ғайриинсоний характерга эга. У ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Тарихдан биламиз буюқ давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларнинг ўзларининг “хаётий манфаатлари” ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизгани маълум. Айрим босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш, бу мамлакатларнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш, уларга улкан ва қудратли давлатга айланишга имконият яратади.

Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувликка зил кетган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг тор манфаатларини устун қўядиган, ўзаро келиша олмайдиган, ҳокимиятга давогар сиёсий гуруҳларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замон ҳам кўрсатиб турибди.

Афсуски бизнинг Ўзбекистон ҳам буюк давлатчилик шовинизмининг фалокатли таъсиридан четда қолмади.

Буюк давлатчилик шовинизми бугунги кунда пансоветизм билан ўзига хос тарзда қўшилиб кирмоқда.

Пансоветизм тушунчаси узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлоқлаштиришга асосланган.

Пансоветизм, **биринчидан**, беҳисоб хомошё ресурслари, ишчи кучи, транспор коммуникацияларидан фойдаланишдан, геостратегик мавқедан маҳрум бўлиш;

Иккинчидан, собиқ колонияларнинг ўз метрополияси таъсири таъйиқидан холос бўлишга интилиш, мустақил ички ва ташқи сиёсат юрита бориши;

Учинчидан, халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устивор бўлиб бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи тушунишни истамаслик;

Тўртинчидан, бошқа кучлар маркази томонидан гўёки унинг ҳаётий манфаатлари тан олинмаётгани, у амал қилаётган ҳудудлар торайтирилаётганини рўқач қилиш ва ниҳоят **бешинчидан**, мақтанчоқлик, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш, уни бетакрор ва ноёб деб ҳисоблаш ҳозирги кунда буни давлатчилик шовинизмнинг жонланиши учун “асос” бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказий Осиё халқларининг дунёқараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий, “сабоқ” бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпуровчилик ҳаракатлари кучайди.

“Фундаментализм”, “Экстремизм”, “Терроризм” каби тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ҳамда улар асосидаги ҳаракатларни ифодалайди. Экстремизм қандай номланган ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборат.

Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради.

- уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари, исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилия (исломдан аввал)

асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга “асос” бўлиб хизмат қилади;

- улар гўё фақат “ҳақиқий” мусулмонлар, яъни уларнинг ўзлари ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак, “исломий тартибот”, ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Аслида “фундаментализм” ва “экстремизм” ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад, динни қадриятларини қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳокимиятни қўлга киритишдир. Бунда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарихда қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига зўр бермоқда. Бу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, катта диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлган миллий ўзига хосликни қурбон қилиш ғоясидан ҳам қайтмайдилар.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг минтақамиз, хусусан мамлакатимиз тараққиётига хавф туғдираётганлигини фаҳмлаш қийин эмас. (Бунга яққол мисол 1999 йил 16-феврал воқеаларидир).

Агар Ўзбекистонда душманларимиз мўлжаллаган мақсадлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа давлатларида ҳам жуда катта сиёсий ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий интеграция жараёнларига ўзининг улкан салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Ўзларининг ислом динининг “Ҳимоячилари” деб кўрсатишга уринаётган террористларнинг асл нияти чинакам исломий қадриятларни тиклаш эмас, балки ҳокимиятни қўлга киритиш. Марказий Осиёдаги мамлакатларни ўзлари танлаган йўлдан қайтариш ва бутун минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш эди.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек “... Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур”. (И.Каримов "Озод ва обод ватан. Эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз." Т. "Ўзбекистон" 2000 йил 36 бет).

Бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош масаласидир. Шунинг учун ҳам ер юзини турли минтақа халқларининг онги ва қалби турли ғояларни сингиш майдониға, мафкуравий полигонға айлантирилмоқда.

Ана шундай шароитда халқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив воқеликни тўлиқ ва тўғри акс эттириши, жамият таракқиётига "Ватан ва халқ манфаатларига, кадриятларни сақлашга хизмат қилиши лозим"

Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида вужудга келган кадриятлар ҳам шунчалик устивор бўлади. Уларни эгаллаган одамлар мафкуравий тажовузларга зарба бера оладилар.

Ғоявий мафкуравий бўшлиқ эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин ҳукмронлик қилиб келган мафкура ўтмишига айлангач, таракқиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илғор ғоявий тизимнинг ҳали шаклланмаган ҳолатидир. Бундай шароитда турли мафкуралар ўз таъсирини ўтказишга уринади.

1990 йилларнинг бошларида бундай мафкуравий бўшлиқ Ўзбекистон худудида ҳам намоён бўлди.

Унинг хусусиятлари қуйидагича:

Биринчидан ҳукмрон, яккаҳоким большевистик-коммунистик мафкура батамом таназзулга қўл тутди ва унинг ўрни бўшаб қолди.

Иккинчидан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топган бўлса-да, унинг мафкураси ҳали тўла-тўқис шаклланмаган ва барча фуқаролар онгига сингиб улгурмаган, барчанинг эътиқодига, мустақил дунёқарашига айланмаган эди.

Учинчидан, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлган жойда муқаррар тарзда бошқа ёт ва бегона мафкуралар ҳуружи бошланади. Ўтиш даврида янгича қарашлар мустаҳкам эътиқодга айланиб улгурмаган пайтда ташқи мафкуравий таъсирларнинг яхши ёки ёмон, фойдали ёки зарарли эканини ҳамма ҳам фарқлай олмайди.

Ўзбекистондаги мафкура майдониға бегона, халқимизнинг орзу-интилишларига мутлақо ёт ғояларнинг ҳужуми ана шу билан ҳам изоҳланади.

Тўртинчидан, мустақил мамлакатимиз тинч-осойишта яшаётган бир пайтда Афғонистон ва бошқа яқин худудлардаги беқарор вазиятдан фойдаланиб, уларнинг худудига ин қуриб олган баъзи бир экстремистик кучлар, террорчи тўдалар ўз жинояткорона мақсадларини амалга оширишга, Марказий Осиё минтақисини мафкуравий курашлар майдониға айлантиришга урина бошлаган эди.

Бу жиноий гуруҳлар ўзларининг ёвуз мақсадларини турли исломий мафкуравий ғоялар билан ниқоблашга ҳаракат қилдилар. Айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярми, 90-йилларнинг бошларига келиб дин ниқобидаги зарарли, халқимизнинг иймон-эътиқодига тўғри келмайдиган қарашларни "вахҳобийлик", "ҳизбут таҳрир", "акромийлик", "адолат уюшмаси", "ислом

лашкарлари", "тавба" каби ҳаракатларнинг таъсирини ёйишга, ёшларни йўлдан оздиришга интилдилар.

Ваҳҳобийлик ислом ғояларига сиёсий тус бериб, дин номидан иш юритиб, гўёки исломни пайғамбар давридаги "асл ҳолатига қайтариш", яъни уни тозалаш, барча мусулмонларни исломнинг яшил байроғи остида бирлаштириш каби ғояларни илгари суради.

Ваҳҳобийлик мустақилликнинг илк йилларидаги ғоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланашига интилди. Шунинг учун баъзи кишиларни араб мамлакатларида саёҳатда, хизмат сафарида, ўқишда бўлган вақтларида ўз таъсирига туширишга ҳаракат қилди.

Шундан сўнг, дастлаб жойлардаги масжидлар имом-хатиблиги учун, кейинроқ эса мамлакат диний идорасининг нуфузли лавозимлари учун курашди, ислом сиёсий партиясини тузишга ҳаракат қилди. Аста-секин Ўзбекистонни ислом республикаси деб эълон қилиш, минтақамизда халифаликни тиклаш режасини амалга оширмоқчи бўлдилар. Улар ўтган йилларда қонли жиноятлар, тартибсизликлар содир этдилар.

Улар ўз ниятларини амалга оширишда "дўстлик", "диндошлик", "миллатдошлик" тушунчаларини ҳам ишга соладилар. Керак бўлганда моддий ёрдам ҳам кўрсатадилар. Масжидлар куриб бериб, исломий адабиётлар билан таъминлаб, ўзларини ҳақиқий диндор, ҳақиқий мусулмон қилиб кўрсатишга интиладилар. Аммо разил ниятларини барибир ошкор этадилар, турли кўпоровчилик, тезкор ишларига сабаб бўладилар. Ваҳҳобийлик, хизбут тахрир каби зарарли оқимлар мустақилликнинг дастлабки йилларида содир бўлган ғоявий бўшлиқдан усталик билан фойдаланишга интилган бўлса-да, лекин мақсадларига барибир эриша олмадилар.

Аммо ўша дастлабки пайтларда эътиқоди бўш, содда ва ишонувчан, дунёқараши шаклланмаган, етарли билимга эга бўлмаган одамларни, айниқса билиб-билмай нотўғри йўлларга кириб қолганлиги ҳам фактдир. Ёшларнинг "Камолот" жамғармаси фаолияти истиқлол талабларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида ҳам кўплаб ёшлар истиқлол ғояларига асосланган тарбиявий жараёнлардан четда қолиб кетишга сабаб бўлди.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳада етарли тажрибаси йўқлиги, ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолганлиги, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани, одамларга мафкуравий жиҳатидан тўғри йўл кўрсатишга қодир бўлган шахслар, диний уламоларнинг етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлди.

Хуллас, ғоявий бўшлиқ умрини ўтаб бўлган ғоя, ақида ёки мафкура тараққиёт нуқтаи назаридан инкор этилиш натижасида вужудга келади.

Миллий ғояга эҳтиёж.

Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзликимизни тақдирлардан ҳимоя қилиш учун миллий ғояга эҳтиёж сезилади. Миллий ғоядан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқ.

Шу маънода миллий истиқлол ғоясининг жуда муҳим функцияси "миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади.

Миллий истиқлол ғояси ана шу функцияни бажрилиши учун ёшлар ва аҳоли ўртасида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътиқод сифатида шаклланиши лозим.

Миллий истиқлол ғоясининг шакллантирилиши ва унинг ўқувчилар, талабалар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киритилиши мамлакатимиз тараққиётида алоҳида босқични ташкил этади.

Миллий истиқлол ғоясининг негизлари халқимизнинг миллий маданий меросидан, эзгу ғояларидан озиқланади.

Аввало миллий қадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий ғурурни уйғотиш, бир сўз билан айтганда миллий истиқлол ғояси томир отиши ва гуркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифат ва амалий ишлар бажарилади. Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди. Юзлаб мақола ва рисоалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, таълим тўғрисида миллий дастур қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш учун замин яратилди.

Бу ғояни тарғиб қилишда мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида мақола ва рисоаларида маърифатчилик билан чекланишдек бир томонламалик кўзга ташланмоқда. Холбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндошув маърифий ёндошув бўлса ҳам, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бу ёндошув билан чекланиб бўлмайдиган хусусиятлари ҳам бор.

Миллий ғоя жамиятни жипслашувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни хал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслида глобаллашув бўлмаганда миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди.

Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривожланар эди. Ташқи таъсир ва таҳдидни йўқлиги миллий ғояга ҳам эҳтиёжни зарур қилмаган бўлар эди.

Миллий истиқлол ғояси одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, одамлар билан ҳаракатда бўлиб, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Бунинг учун даставвал ғоя бевосита амалиётга айланиши мумкинми? деган саволга жавоб бериш керак.

Ҳозирги психология, ижтимоий психология ва бошқа ижтимоий гуманитар фанлар нуқтаи назаридан “айланмайди” деб жавоб бериш керак.

Чунки инсон онгидаги юзлаб, баъзан эса минглаб ғоялар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам амалиётчи бермайди. Инсон ахлоқий, диний, сиёсий, илмий, бадиий ғоялардан ўзича учун энг мақбулини танлаб унга амал қилади.

Эътиқод шахс онгида муҳим ўрин тутаети, инсонни ҳаёт йўналиши, ҳаёт тарзи, интилишлари унинг шахсий эътиқоди билан белгиланади. Инсон онгига йўл топаётган ғоялар ҳам шу эътиқод чиғиридан ўтади.

Эътиқодга мос келмайдиган ғоялар рад этилади. Ғоя ва эътиқод алоқадорлиги бир томонлама эмас. Шундай ҳолатлар ҳам бўлар эканки инсон онгига кириб келаетган ғоя эътиқодни ҳам ўзгартириб юбориши: уни кучсизлантириши ёки кучайтириши ҳатто унинг ўзи эътиқодга айланиши мумкин.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳада ислохотлар бошланди ва бу соҳада кўп ишлар қилинди. Собиқ тоталитар тузум сарқитларини инсон онгидан суғуриб ташлаш учун кучли маънавий кураш керак. Бу вазифани миллий истиқлол ғояси амалга оширади.

Жамиятда ғоянинг эътиқодга айланиши унинг амалиётга ўтишидаги муҳим босқичдир. Шахс ўз эътиқодига айланган ғояни рўёбга чиқариши учун ҳаракат қила бошлайди. Эътиқод қанчалик кучли бўлса, шахс уни амалга ошириш учун шунчалик эҳтирос билан ҳаракат қилади, бу йўлда у ҳеч нарсадан қайтмаслиги мумкин. Юртимиз тарихида озодлик ғоясини эътиқод қилган ижобий сиймоларни биламиз.

Мустақилликни ҳам озодликка ўхшатиш мумкин. Мустақилликсиз озодлик бўлмайди ва озодликсиз мустақилликка эришиб ҳам бўлмайди.

Мустақиллик ғоясини фақат тарғиб қилиб, маърифий йўл билан таъсир этиш чекланиб қолиш ярамайди. Уни талаба ёки тингловчи ўзлаштириб олиши мумкин, аммо эътиқодига айлантирмаслиги ҳам мумкин.

Ғоявий эътиқоднинг отаси билан онаси эса ҳис-туйғусида буларсиз ғоявий эътиқод ҳам йўқ. Диний эътиқод шаклланиши учун дин арқонлари тўғрисида чуқур билим бўлиши шарт эмас. Диндорларнинг кўпчилигида чуқур диний билим йўқ, улардаги эътиқод билимдан уламоларнинг эътиқодидан кучлироқ бўлиши мумкин.


Бунинг сабаби, диний эътиқод билимни инкор этмайди, лекин унда эҳтирос устиворлик қилади. Дин бўйича кўп билимга эга одамнинг эътиқоди суст ва аксинча, оз билимга эга бўлган одам кучлироқ эътиқодга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун илм – маърифатга амал қилиш эътиқодни мустаҳкамлайди.

Илмга амал қилмаган мулладан бешак, афзалдур устига китоб ортилган эшак деганда Шайх Саъдий билимдон, лекин эътиқодсиз муллаларни назарда тутган эди.


Ишонч ва эътиқоднинг мустаҳкамлиги кишиларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларига, маданий мероси, урф-одатлари, анъаналарини, тили, тарихини ҳурмат қилиши, унга бўлган эътиқоди ва садоқати орқали намоён бўлади. Шунда у миллатни глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган айрим таҳдирлардан сақлайди.

**МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР: ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ ВА
ЗАРРАЛИ ҒОЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ**

Тарихий қонуният: бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам муайян муаммоларни ҳал этиш зарурияти юзага келади.



Яккахокимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки у яккахокимлик ўрнатиш баробарида ўзини бойитиб борадиган манба – фикрлар ранг – баранглиги ва қарашлар хилма – хиллигидан узилиб қолади. Муайян гуруҳ ёки партия ғоялари хукмрон мафкурага айланса, хурфикрликвиждон эркинлиги ва қарашлар хилма-хиллиги чекланади, мутлақ ҳақиқатга эгалик даъвоси, мустабидлик тамойиллари кучаяди.



катагонларининг қурбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқаларнинг жасорати эл-юртимиз мустақиллиги, озодлиги йўлидаги фидоийликнинг ёрқин намунасидир. Халқимиз онгига иймон-эътиқод, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, саҳийлик фазилатларини сингдириш миллий истиқлол мафқурасининг муҳим вазифасидир.

Ш. Миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандининг мактабгача тарбияси, унинг тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб етиши ниҳоятда муҳим. Бунда оиланинг таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувиغا эришиш зарур. Бу даврда барча бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлиари) мафқуравий тарбиянинг асосий ўчоғидир.

Миллий истиқлол мафқурасини хилқимиз онги ва қалбига сингдириш омиллари

Оила

Маҳалла

Меҳнат
жамоатлари

Сиёсий
партиялар

Нодавлат
ташкilotлар

Оммавий ахборот
воситалари

Алоқа
коммуникациялар

Фан

Адабиёт

Санъат

Жисмоний тарбия
ва спорт

Миллий урф-одатлар,
маросим ва байрамлар

Дин

Бундан ташқари, мафқуравий ғоялар турли бадий ва хужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин. Муҳими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

Миллий истиқлол ғоясини инсон қалби ва онгига сингдириш
йўналишлари

Таълим

Тарбия

Мактабгача тарбия

Оила

Умумий ўрта таълим

Маҳалла

Ўрта махсус, касб-хунар
таълими

Ижтимоий-оммавий
институтлар

Олий таълим

Маъмурий-сиёсий
ташкilotлар

Меҳнат жамоаси

Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз онги ва қалбига
сингдиришнинг усуллари

Таълим-тарбия

Тарғибот-ташвиқот

Кўргазмалилик

Кенг қамровлилик

Узлуксизлик


Мақсадга
йўналтирилганлик

Янги педагогик
технологиялар

Ишончлилик,
асосланганлик

Тарихий-мантиқий
изчиллик

Илмийлик



Миллий истиқлол мафқурасини халқимиз онги ва қалбига сингдириш омиллари

